


АСКАД МУХТОР

Тонг
билан
учрашув



932
M93

АСҚАД МУХТОР

ТОНГ БИЛАН УЧРАШУВ

Пьесалар



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1987

Уз2
М 93

М $\frac{4702570200-10}{М 352 (04)-87}$ 27-87

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.

САМАНДАР

Саккиз кўрипишли драма

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Самандар Саидовнинг уйида каттагина меҳмонхона. Тапқарига, ошхонага, иш кабинетига ўтиладиган эшиклар. Ўртада катта стол. Бурчакдаги гулдонда дуркун гулдаста. Жиз-биз, таом ҳиди, тантанали руҳ.

Меҳмонлар ҳали келмаган. Нафиса астойдил кўнгил қўйиб, югуриб-елиб дастурхон тузамоқда.

Нафиса (*эшикка*). Катя! Катерина Васильевна, сепмисан? (*Катя торт кўтариб киради. Торт катта, жим-жимадор: ўртасига «50» рақами ёзилган.*) Вой ўлай! (*Завқи келиб.*) Ўзинг ижод қилдингми, Катя?

Катя. Чиройлими?

Нафиса. Дадам ўлдиради...

Катя (*хафа бўлиб*). Дадагнинг қовоғидан ўргилдим. Ҳали лауреат бўлганларида ҳам бир илжайиб қўймасалар керак. Бегона одамлар қувониб юрибдию... (*Қўйнидан бир даста газета чиқариб, диванга ташлайди.*) Ўқидиларми?

Нафиса. Ҳа. Лекин бу фақат номзодлар рўяхати, Катерина Васильевна. Элдан бурун жар солма. (*Телефон жиринглайди. Нафиса трубкани олади.*) Лаббай. Дадам ҳали келганлари йўқ. Раҳмат, раҳмат. Айтиб қўяман қутловингизни. Хўп. (*Трубкани қўяди.*)

Эшик қўнгироғи жараглайди. Катя югуриб чиқиб, қайтиб киради.

Катя. Яна телеграмма. (*Ўқийди.*) «Ҳурматли Самандар Саидович, шонли эллик ёшингиз билан чин кўнгилдан...» Хўш, «бир гўрۇҳ шоғирларингиз».

Нафиса. Катяга солиб бери.

Катя телеграммалар билан тўлган қалип папкаси олиб,
креслога ўтириб қолади.

К а т я. (*Папкани салмоқлаб, бағрига босаркан, ширин, ҳазин товуш билан ўзига-ўзи.*) Буюк одам... Буни ҳеч ким билмайди. Унинг ўзи ҳам билмайди. Фақат мен биламан. Буюк одам!

Катта гулдаста кўтариб С а д р Р ў з и б о е в киради.

С а д р. Салом-алайкум.

Катя саломлашгач, фартук боғлаб ишга киришади.

Н а ф и с а. Вой анави гулдастани!

С а д р (*тортинчоқлик билан*). Табриклайман, Нафисахон. Бу сизга.

Н а ф и с а. Бугун дадамнинг байрами. Менинг элликка қиринчимга ҳали жиндек бор, Садр Рўзиевич. (*Унинг қучоғидаги гулни ҳидлаб.*) Эсингина, худди шунақасидан ўзим ҳам олиб эдим-а! Қўйнинг, ана, вазага.

Садр ҳафсаласизроқ юриб бориб, совғасини худди ўзиникига ўхшаш гулдаста ёнига, вазага қўяди.

С а д р (*сўник*). Ҳамма вақт кечикаман. Ҳамма вақт керагим бўлмай қолади.

У б а й д у л л а Ҳ а м д а м о в билан Муллажонов киради.

Ҳ а м д а м о в (*портфелини диванга ташлаб*). Ҳов, ёппасга! Ие, ҳали ҳеч ким йўқ-ку?

Н а ф и с а. Келинг, Убайдулла ака, келинг, ўртоқ Муллажонов. Ҳозир бошқалар ҳам келиб қолишади.

Ҳ а м д а м о в (*столга завқ билан қараб, қўлини қўлига шиқалайди*). Тантанани яхши кўраман! (*Ўзумдан татийди.*)

Н а ф и с а (*бирдан кулиб юборади*). Вой, Садр ака, нега бунақа ҳадеб тикилаверасиз. Ундан кўра бизга қарашворинг.

Садр ўзига келиб, кўмакка шайланади.

С а д р. Бош устига. Қани, нима қилай?

К а т я. Шунча чет элларда бўлгансиз, Садр Рўзиевич, ахир бундай сервис, аля-пурше дегандай, стол тузаш маданиятидан маслаҳат бериб турсангиз-чи.

Садр. Мен унақаларни билмайман, Катерина Васильевна (*енг шимариб*). Лекин ўтин-пўтин, сабзи-пиёзга қарашворсам бўлади.

Катя. Бу сафар ҳам бир ёққа борасизми, Садр Рўзиевич?

Садр. Ҳа, энди борамиз-да, Катерина Васильевна. Ўзимизнинг мана шу БМШ станогимиз билан, бу гал Мюнхенга кетаман.

Катя. Бахтли одамсиз.

Садр (*унинг билагидан ушлаб, бош чайқайди*). Йўқ, Катерина Васильевна.

Муллажонов. Нима деганингиз?

Садр. Ўчоқ бу ёқдами? (*Чиқади.*)

Муллажонов. Бир станок туғилгунча ҳаммамизни тўлгоқ тутиб, она сутимиз оғзимиздан келади. Азоб бизлардану сайри-саёҳат бу кишидан.

Катя. Ундоқ демаиш, Муллажонов. Шеф-монтёр бўлганидан кейин касби шу. Унинг ишини сиз қилолмайсиз. (*Иш билан чиқиб кетади.*)

Ҳамдамов. Сайр-саёҳати майли-ю, бу ёгини айтиш. Ҳар яратган станогимиз билан чет элга боради-а? Хўш, кейин нима қилади денг? Қуриб беради, монтаж қилади, ишини кузатади. Қолган вақти — тараллабедод! Не-не мамлакатларда бўлди, лекин бари бир ўша-ўша ўзимизнинг мўмин-мусулмон. Ҳеч нима юқмайди бу одамга.

Муллажонов. Нима деганингиз?

Ҳамдамов. Нафисахон, очилиб кетибсиз. Янги чиққан юз сўмликдай кўрпнасиз одамнинг кўзига.

Нафиса. Чунки бахтлиман, Убайдулла ака.

Ҳамдамов. Ҳа, бахтини топган одам чиройли бўлиб кетади. Лекин ҳамма чиройли одамлар бахтли бўлавермайди. (*Ўизга яқинроқ келади. Шисалардан бирини олиб, этикеткасини ўқиган бўлади.*) Шампаннинг отилишини яхши кўраман, ёшликни эслатади, қўрғур.

Атрофига қараса, Муллажоновдан бўлак одам йўқ. Ўизнинг бегида ушлаб бағрига тортмоқчи бўлади. Нафиса чаққонлик билан қайрилиб, тарсаки тортиб юборади.

Мен... (*Еноғини ушлаб, ўнги-сўлига аланглайди.*) Мен энг яқин кишимнинг қайлиғи деб, ўртоқларча...

Нафиса. Мен ҳам, Убайдулла ака, мен ҳам ўртоқларча...

Ҳамдамов. Жуда ҳам тегманозик бўлманг, ҳаммасини биламиз.

М у л л а ж о н о в (газетадан бош кўтариб). Нима деганингиз?

Ҳамдамов Нафисанинг нафратли қарашидан чўчиб, юмшайди. Епига келади.

Ҳ а м д а м о в Биласиз, мен аслида олижаноб одамман. Ўзингизнинг Қобилжонингиз бузаяпти мени, салбий таъсир қилипти. Ҳов, эсингиздами, гира-ширада скамейкада ўтирган экансизлар, тасодифан бориб қолдим. Кейин, клубнинг фойесига ҳам... Сизларни ғалати ҳолда кўриб... У кишига тарсаки ишлатмайсиз шекилли? (*Нафиса унга нафрат билан тикилганча, индамай турибди.*) Оббо, нима бўлти энди?.. Келинг, унутайлик. Бир чеккаси, бўлғуси қариндошмиз. Э, очиги, бўлғуси ҳам эмас. Бизнинг жиян... чаққон бола. Кўрганман.

М у л л а ж о н о в. Нима деганингиз?

Ҳ а м д а м о в. Нафисахон, кечиринг. Унутинг шунини, а? Биласизми, нима учун одамнинг оёғи доим шундай гуноҳ ишга тортиб туради? Чунки инсон боласининг табиати азалдан шунақа. Ман қилинган нарса ширин туюлади унга. Одам Атомизнинг беҳиштдан қувилишлари ҳам...

Н а ф и с а. Ҳа, гапиринг: инсоният — ифлос, сиз бечора эса шунинг қурбонисиз...

Қ о б и л ж о н киради.

Қ о б и л ж о н. Салом. Кеч қолмадимми?

Н а ф и с а (*отилиб*). Қобилжон ака!

Қобилжон ҳам беихтиёр қизнинг билагидап ушлаб, четроққа тортади.

Қ о б и л ж о н. Тез ва аниқ жавоб беринг: бугун мени ўйладингизми?

Н а ф и с а. Ўйладим...

Қ о б и л ж о н. Мени яхши кўрасизми? (*Олиб келган совғасини орқасига яширади.*)

Н а ф и с а. Буни мен сизга ҳеч қачон айтмайман.

Қ о б и л ж о н. Катяга айтибсиз-ку? (*Совғани беради.*)

Н а ф и с а (*совғани кўксига босиб*). Ҳеч кимга айтмасам, ёрилиб кетмайманми, ахир!

Қувноқ кулишади. Йигит қизни қучиб, ўпиб ҳам олади.

М у л л а ж о н о в. Ие, ниниб қолибди-ку!

Ҳамдамов. А?

Муллажонов. Келин-куёвни айтаман.

Ҳамдамов. Келин-куёв? Собиқ. Собиқ келин-куёв, акаси!

Муллажонов. Нима деганингиз?

Қобилжон. Убайдулла тоға, сиз ҳам бугун жуда хурсандга ўхшайсизми, ёногингиз лов-лов ёшиб турибди?

Муллажонов қиқирлаб кулиб юборади.

Ҳамдамов (*ёноғини ушлаб*). Нега хурсанд бўлмас эканман! Ўзимизнинг байрам. Улуғ дўстим Самандарнинг тўйи. Бирга ўқиганмиз, бирга ўсганмиз. Биз сал кичикроқ эдик, холос, яъни кичик авлод. Эсимни танибманки, шу Самандар аканинг ёнидаман. Нега дейсизми, Нафисахон? Чунки... чунки атрофимда гимир-гимир майда-чуйда одамлар ўралашаверганидан кейин, ҳар ким ҳам бир арзийдиган кучли дўст топиб, суянгиси келаркан... Аммо-лекин хурсандчилигимга сув сенди дўстим: катта банкет залида бўладиган ажойиб базму жамшидни бунақанги жўн улфатчиликка айлантириб ўтирибди. Кимсан — завод директори. Камтарлик ҳам эвида-да. Камтарлик. (*Нафисага.*) Ёки қурумсоқликми, а? (*Нафиса идиш-товоқ кўтариб чиқиб кетади.*) Нима билан бўлса ҳам керилини экан-да! Энди камтарлик билан керилади-ганлар чиқибди.

Садр Рўзибоев тарвуз кўтариб киради.

Ҳа, камтарлик — одамга ҳусн. Горький, Фадеев, Тимирязев — ҳамма улуғ одамлар ўз юбилейларини ман қилишган.

Садр. Менингча, гап фақат камтарликдагина эмас. Дабдаба — Самандар аканинг табиатига зид. Мен у кишининг ширин сўзлар, табриклар эшитиб, худди орқасини қашитган одамдай хуш ёқиб, илжайиб ўтиришларини тасаввур қилолмайман... Ростдан ҳам, ёруғсан, нурлисан, дегандан қуёшга нима фойда? У бунга муҳтож эмас.

Ҳамдамов. Оҳ-оҳ! Қуёш!! Эви билан-да, акаси... «Қуёшимиз, понимиз, опимиз» қилиб юриб, еб қўйган эдик-ку. Энди ўтиб кетди деб юрибмиз мунақа даврларни.

Зокир ака киради. Нафиса югуриб чиқиб, уни отасидай қарши олади. Зокир ака унинг пешонасидан ўпади.

З о к и р а к а. Қувончлар қуллуқ бўлсин, қизим.

Н а ф и с а. Сизга ҳам, Зокир бува.

З о к и р а к а (*кўришган*). Баҳс нима устида эди, тўхтаб қолдинглар?

Қ о б и л ж о н. Самандар Саидовнинг камтарлигидан гапириб ўтирувдик.

З о к и р а к а. Самандарни (*кўрсатиб*) мапа бундай-лигидан биламан. Заводни кўчириб, энди тиклаганимизда ҳов тажриба цехининг кираверишидаги фрезер станогидан ишлар эди. Пешонаси тиришган, чуваккина бола эди. Уруш вақти, асабиймиз. Бир куни нимадир айбини топиб, тирмизак, деб роса сўкканман. Ўша бола бир кун бориб ўн тўрт минглик коллективга бош бўлади, деб хаёлимга кептими? Тунов куни ўша станогининг ёпидан ўтиб қолдик. Унда ўша вақтдагидек, ўзига ўхшаш кўримсизгина дўнг пешона бир ФЗОчи бола ишлаётган экан. Директорни кўриб, бурнига тер қалқиб чиқди. Самандар бўлса, қадрдон отининг ёлини силагандек, кўҳна станогининг сиртини силаб қўйди-да, бола билан узоқ гаплашди. «Зокир ака, ростини айтсам, шу болага ҳавасим келди», деди. Нега, десам, «у бориб-бориб келгусида мендек бўлиши мумкин, мен эса, энди ундек бўлолмайман!» — деди.

М у л л а ж о н о в. Нима дегани?

З о к и р а к а. Шундай деди-ю, қорачиғи намланиб, йилтиллаб кетди, ўлай агар.

Қ о б и л ж о н. Ишчидан чиққан-да.

З о к и р а к а. Ана! Мен ҳам ўшанда шундай дедиму балога қолдим. «Ёмон кўраман шу гапни», дейди. «Ишчидап чиққан, халқдан чиққан!» «Чиқиб қаёққа бораман? Ер юзида энг буюк зот ишчининг ўзи эмасми?!» дейди. Мен ҳам, очигини айтсам, кўпинча ўйлаб қоламан: ишчи бўлишни — инженер ёки раҳбар бўлиш учун бир босқич дебгина ҳисобловчи одамлар бўлади.

Ҳ а м д а м о в (*Қобилжонни туртиб*). Ўзига ўхшаш на ишчи, на инженер бўлиб, аросатда қолишни тарғиб қиянти, қулоқ сол.

З о к и р а к а. Бир нима дедингизми, Убайдулла иним?

Ҳ а м д а м о в. Йўқ, йўқ, гапираверинг.

З о к и р а к а. Шу денг, сезиб юрибман, Самандарнинг бир орзуси бор: ишчи инженер бўлиши кераклигини унутмасаю инженер ўзининг ишчилардап эканини ёдида тутса.

Ҳ а м д а м о в (*Қобилжонни туртиб*). 20-йиллар —

бу чолнинг орзуси, қулоқ сол. Ўзидек «настдан юқори» бўлганлар даврини қўмсагани-қўмсаган.

Садр. Қизиқ одам Самандар акампиз. Мана шу БМП — 11 станогимизни олип. Бу станок аслида Самандар акампинг ўзиники. Ўз ихтироси, ўн йиллик меҳнати. Энди мана мукофотга кўрсатишга келганда, коллективники деб, нечта соавторни ёнига қўшиб олди.

Ҳамдамов (бу гапларга энсаси қотиб). Ҳа, менадан бўлак жамики бекорчининг бариши қўшиб олди. Ҳатто мана, Муллажонов ҳам бор...

Муллажонов. Нима деганингиз?

Ҳамдамов. Буям ҳамкор. У нима қилди, қани айтинг-чи? Халақит берди, ариза ёзди, ҳужжат тўплади...

Муллажонов. Ие, не, нима деганингиз? Мана газета, катта қилиб ёзиб қўйибди! (*Дивандан газета олиб, ўқийди*). «Беруний мукофотига номзодлар... Техника». Хўш... мана: Самандар Саидов — завод директори, конструкторлар группасининг бошлиғи. Зокир Аҳмедов — бош инженер. Қобилжон Каримов — махсус конструкторлик бюросининг инженер конструктори... (*Бир печасини ичида ғўнғиллаб ўқиб ўтказиб юборади*). Хўш... мана: «Эшонқул Муллажонов, яъни камина, МКБ чертёж бўлимининг бошлиғи ва бошқалар — БМП — 11 станогини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун». Бунга нима дейсиз, ҳурматли Убайдулла ака! Газета — расмий ҳужжат! Ие, нима деганингиз?

Садр. Қўйинглар-чи, у бўлди-бу бўлдию бизнинг завод ҳам жаҳонга машҳур бўладиган бўлди. Бир томонда Мюнхен жаҳон кўргазмаси! Бир томонда... (*газетани кўрсатади*).

Зокир ака. Гап шоп-шуҳратда ҳам эмас, акаси. Гап шундаки, ишлаб чиқаришнинг тўртта мураккаб технологик жараёнини бир машинада бирлаштириш — бу мутлақо янги конструкция. Иқтисодий эффектнинг юксаклиги, габаритларнинг ихчамлиги жиҳатидан жаҳонда тепги йўқ. Бизнинг БМП станогимиз туфайли ҳар бир янги корхонани қуриш тўрт баравар арзонга тушади.

Садр. Яъни тўртта фабрика қурмайсиз, битта қураёсиз, лекин маҳсулот ўша! Энди жаҳон бозоридаги олағовурни кўз олдингизга келтиринг!

Зокир ака. Сиз кетяпсизми, Садрвой?

Садр. Борамап, худо хоҳласа.

Ҳамдамов қиқирлаб кулади.

Нафиса. Сиз нега куляпсиз?

Ҳамдамов. А! Э, йўқ, «худо хоҳласа» деганига кулгим қистайди. Умри Европада ўтяптию «худо хоҳласа»ни қўймайди.

Зокир ака. Нафиса, қизим, қани бу — даданг? Одамлар йиғилиб бўлишди-ю.

Нафиса. Келадилар. Профессордан хабар олгани кетгандилар.

Садр. Айтгандай, қария огир ётибди, дейишган эди-я.

Зокир ака. Иван Матвеевич бечора, яхши кўради Самандарни.

Қобилжон. Ушими, унда ўзиними? Чол Самандар акада ўзининг ёшлигини яхши кўрса керак.

Зокир ака. Бунинг ҳам айби йўқ.

Ҳамдамов. Ҳа, қўйинглар иғвони, чол жуда тугаб қопти. Беруний мукофоти дегани эшитса, бу қувончларни кўтара олармикин денг.

Садр. Оёққа туриб кетади эшитса!

Муллажонов. Нима қилса ҳам хурсандчилик қилсин. Ғам-ғуссадан ўлган ёмон.

Ноқулай жимлик.

Ҳамдамов. Даҳшат бўлса керак: шундай сўнги соатларингда шогирдинг «ўрнингни оламап» деб рўпараингда қаққайиб турса.

Нафиса (*огир олиб*). Энг юксак эзгу ҳисларни тубанликка қоринтирасиз, Убайдулла ака.

Ҳамдамов. Шогирддан қўрқини керак демоқчиман, холос. Мана шунақа қариганингда бир кун устингдан босиб ўтиб кетади.

Зокир ака. Ўтса пима бўпти (*кўпроқ Қобилжонга*). Қайси бир ёзувчи айтган экан, уdda қилсанг, устозингга салом бер-да, ўтиб кетавер. Шогирдининг ўтиб кетадиганидан қўрқма, акаси, подонидан қўрқ, амалпарастидан қўрқ. (*Қобилжоннинг елкасига қўл ташлаб.*) Хўш, инжечер, тўй қачон?

Қобилжон (*ярим ҳазил*). Самандар Саидовичга куёв бўлиш... амалпарастлик бўлмасмикин, а, Зокир ака?

Зокир ака (*Нафисанинг ҳайратда қараб турганини пайқаб*). Хафа бўлма, Нафиса. (*Қобилжоннинг ёнидан кетади.*) Бор, дадангни кутиб ол, келди шекилли.

Самандар Саидов киради. Нафиса уни қучиб қарши олади. Самандар меҳмонлар билан саломлашади, табриклар: «Мубо-

рак бўлсин, Самандар ака!», «Қутлуғ бўлсин, тўйбола!» Самандар Саидов миннатдорчилик айтиб, кийимини илади-да, эшик ёнидаги креслога ўтиради.

С а м а н д а р (*қизини эркалаб*). Тамом. Етиб келдим. Бамисоли довоининг қоқ тепасида турибман. Энди нима қилсам ҳаққим бор: дам оламанми, уйлапаманми, папирос чекаманми... (*Чекишга папирос қидиради, чўнтагида йўқ.*)

Н а ф и с а. Вой, дада, бу қанақаси, сизни кутиб қолдик-ку! Қани, дастурхонга, меҳмонлар.

Ўтирадилар. Самандар ҳам тўрроққа келиб, омопатгина ўтиради.

С а м а н д а р. Миннатдорман, йўқлаб келибсизлар. Қани, Қобилжон, қуй, акаси.

С а д р. Шундай кундаям нохуш кўринасиз, Самандар ака.

С а м а н д а р. Ғалати бўлар экан. Элликка кирганда биласиз. Буни тап олиш унчалик қувончли бўлмас экан, очиги. Таксида келяпману сизларни куттириб қўйганимни ўйлайман, счетчик бўлса ҳадеб чиқ-чиқ, чиқ-чиқ қилади. Эътибор қилганмисиз?

М у л л а ж о н о в. Бўлмаса-чи? Ҳар чиқиллаганида фалон пул... мияга таъсир қилади.

С а м а н д а р (*буни эшитмай*). Элликни тап олганингда кунларнинг ўтинини ҳам шундай билишиб қолар экан, санай бошлайсан. Илгари санамасдим.

З о к и р а к а. Ивац Матвеевич билан узоқ гаплашиб қолдинг, шу суҳбат таъсир қилган сенга, қани ол. Бугун жуда бошқача кун бўлди: бу ёқда қадрдон станогимиз, ўз фарзандимиз, газетада ҳам яхши хабарлар. Аввало Самандар Саидовнинг эллигини қутлаб ичайлик, ўртоқлар. (*Ичадилар.*) Устоз қалай экан?

С а м а н д а р. Умрининг куну соатигача меҳнатда ўтган одам. «Тўғри яшадимми?» деган хаёл билан қийналиб ётибди. Кекса, касал... Ҳаётдан умид оз, жуда оз. Эҳтимол, бундай пайтларда одамга ёшлиги қайтиб келгандай туюлади-ю, бутун умрини навқирон, тийрак кўз билан кўради... Умрини ҳозир шундай тиниқ кўряпманки, худди кафтимдагидек, дейди. Ҳар кимнинг ўзига-ўзи шундай ҳисоб берин пайти келади пекилли. (*Ўйга толади.*) Мен унга янгиликнинг бариини айтдим, ўртоқлар... «Мен бахтлиман!»— деди қария. Худди умрининг якунидек қилиб айтди. Шундай айтдики, кўзимдан ёш чиқиб кетди... У буни станогимиз БМП ҳақида айтди, ўртоқлар. Ивац Матвеевичнинг тузалиб кетиши учун ичайлик.

Босиқ, қувопчили пидолар билан ичишади.

Ҳ а м д а м о в (*оғзини артиб, закуска оларкан*). Аммо бу — фалсафа. Чол эса тугаган, вассалом. Фалсафанинг бўлгани мана шу. (*Ҳаммага эшиттириб*). Ўлим олдидап ваҳимага тушиб қолган. Ёшлигининг қайтиб келгани нимаси...

Самандар эшитиб, оқаринқираб кетади.

С а д р. Менга қаранглар, битта тост айтсам майлими?

О в о з л а р. Бўлсин! Қани!

С а д р. Группамизда ҳар хил одамлар бор. Аммо натижа эътибори билан, группамизнинг ўн йиллик меҳнатидан бунёдга келган БМП-11 — катта ижодий ғалаба десак бўлади! Энди ҳаммага аён бўлиб турибдики, у заводиимизнинг маркасини, бизнинг номларимизни дунёнинг ҳамма бурчакларига таратади. Ажойиб фарзандимизнинг порлоқ тақдири учун!

Қадаҳ кўтариб, ҳамма шовқин-сурон билан ўрнидан туради.

Ҳ а м д а м о в. Тўхтанглар! Биз бу ерга авваламбор нима учун тўпланганмиз? Раҳбаримиз, олимпимиз, директоримиз Самандар Саидовичнинг ярим асрлик умрини қутлаш учун тўпланганмиз. У кишининг ажойиб ғазилатлари ҳаммамизга маълум. Уларга батафсил тўхталиш мен учун поқулай. Коллективимизнинг бахтига узоқ йиллар соғ-саломат бўлсинлар, барча ишларига муваффақият тилаймиз!

Маъқуллаб ичадилар. Бирдан маълум бўлиб қоладики, директор ичмай ўтирибди. Жимлик. Самандар секин туриб бориб, Ҳамдамовни ўрнидан турғизади, қўлтиқлаб эшик томонга бошлайди. Ҳамма кузатиб турибди. Директор эшик олдида Ҳамдамовга нимадир дейди.

Ҳ а м д а м о в. Нима гап, мен сизга бир нима дедимми?

С а м а н д а р (*ўрнига қайтиб*). Ўртоқлар, мен муовинимга, кайф қилибсиз, уйингизга бординг, деб илтимос қилдим.

Ҳ а м д а м о в. Йўқ, мен кайф эмасман, сиз мени беҳурмат қилиш учунгина остонангиздан қувяпсиз.

С а м а н д а р. Агар кайф бўлмасангиз, сиз кекса одамни, касал одамни, ҳурматли профессорни, бизнинг

устозимизни нега ҳақорат қилдингиз? Бўлмаса, мен чиқиб кетаман.

Нафиса Ҳамдамовнинг портфелини элиб беради.

Ҳамдамов (*титраб, ҳамманинг ёнига бир-бир бориб*). Ҳайдаяпсизми? Ҳайдаяпсизларми-а? Лекин мен мана бунини ичгани эмас, иш билан, расмий юмуш билан келган эдим. Ҳай, майли... (*Шошиб эшикка юради*).

Самандар. Қанақа расмий иш?

Ҳамдамов (*йўлдан тўхтаб*). Иш шундан иборатки... (*Бақариб*.) Иш шундан иборатки, йўқ, ҳеч нарсаяўқ, биласизларми?! (*Садр Рўзиевга*.) Мюнхен ҳам йўқ. (*Муллажоновага*.) Беруний ҳам йўқ. (*Самандарга*.) БМП ҳам, станок ҳам, шону шавкат ҳам йўқ, тушундингизми? Йўқ!

Ҳамма бир-бирига қараб, жим қолади.

Ҳамдамов (*бақариб*). Ҳа, йўқ!

Муллажонов (*анчадан кейин*). Нима деганингиз?

Зокир ака (*босиб*). Шаккоклик ҳам эви билан-да! Гапир, нима демоқчисан?

Нафиса (*чинқариб*). Қулоқ солманглар бу одамнинг гапига, эрталабдан бери ошимизга напша бўлди.

Садр. Ҳазили қайси-ю, чини қайси — билиб бўлмайди.

Самандар. Гапиринг, Ҳамдамов.

Ҳамдамов. Ҳали бунга ҳам мени айбларсизлар. (*Портфелини титади*.) Тўғри гапга ҳам ҳақорат. Мапа! (*Бир қоғозни столга ташилаб, эшикка юради*.)

Самандар (*қоғозни олиб*). Тўхтаг.

Ҳамдамов портфелини қучиб ўтиради. Самандар узоқ ўқийди. Юзидан қон қолади.

Бу қачонги гап?

Ҳамдамов. Бугун эрталаб келди.

Директор ўзини оғир тутишга уринса ҳам дармонсиз ўтириб қолади. Ҳамма жим, ҳаяжонда кутишади.

Зокир ака. Нима гап, Самандар Саидович?

Самандар. Ҳақиқатан ҳам... (*Қоғозни кимга беришини билмай, ушлаганча*). Бу хабарга қараганда, БМП станогимиз йўққа чиқади... Манчестердаги «Патта-Риттер» фирмасини биласиз-а, Зокир ака?

Зокир ака. Ҳа.

Самандар. Ўша шахсий фирма Мюнхен кўргазмасига бизнинг машина типидagi янги станогини қўйибди. Мана унинг кўрсаткичлари... (*Қоғозини беради.*) Иқтисодий эффе^кти БМП даи бир ярим баробар ортиқ экан.

Овозлар. Бўлмаган гаи!

— Наҳотки!

— БМП касод бўлади-ку!

— Ана холос!

Самандар (*тинчитиб*). Бу — расмий ҳужжат, ўртоқлар. Бир нусхаси шаҳар комитетига юборилган. Жаҳон стандартларига, ҳозирги замон техникаси даражасига солиштирилганда паст кўрсаткичларга эга бўлгани учун БМПнинг кичик сериясини тўхтатишни тавсия қилинган.

Зокир ака. Ишлаб чиқаришни тўхтатиш?!

Нафиса (*сув бериб*). Дада...

Самандар суви четлатади.

Ўртоқлар... меҳмонлар, кечирасизлар, дадам...

Самандар. Қимирламаи^глар, ўртоқлар. Ўтиришни давом эттираи^миз.

Муллажонов вино қуя бошлайди, қистайди, лекин ҳеч ким қадаҳга қарамайди. Садр Рузибоев туриб, эшикка яқин ўтирган Ҳамдамов ёнига боради.

Садр. Чиндан ҳам шу гаини ичингизда сақлаб ўтирганидингиз?

Ҳамдамов (*елка қисиб*). Шундай шодиёна кунда кўпгилларингизни сиёҳ қилмоқчи эмас эдим...

Зокир ака. Бу шўрликларнинг беҳудага қувонишини бир томоша қилай деган экансан-да?

Ҳамма ҳар жойда, нима дейишдан ожиз, жим қолишади.

Нафиса. Балки бирон ёмон одам ҳазиллашгандир...

Садр. Норозилик билдириш керак. Бу қанақаси? Бирдан-а? Зокир ака, гапирсангиз-чи!

Зокир ака. Ҳовлиқманглар.

Муллажонов. Энди нима бўлади?

Ҳамдамов. Нима бўлар эди? Ҳечқиси йўқ, бу — бизлар учун янгилик эмас. Бошқармага норозилик билдириб, яна эски станогимизни чиқараверамиз. Европадаи^н йигирма йил кейин юришга ўрганиб қолганмиз.

Ҳамма Ҳамдамовни энди кўраётгандай қарайди. Яна поқулаёй
жимлик.

Қобилжоп. Шу қадар катта, шовқин-сурон бўл-
ган воқеа... бирдан пуфакдай портласа-я?

Ҳамдамов. Пуфак майли-я... Қўланса ҳид ҳам
анқияпти бундан. Юр, Қобил, кетдик. (*Олиб чиқиб ке-
тади.*)

Самандар Саидов уларга ҳайрат билан қараб қолади.

Садр. Энди нима бўлди?

Муллажопов (*эшикка йўрғалаб*). Қўланса ҳид?
Нима дегани?

Зокирак. Гапир, Самандар.

Нафиса (*йиғламсираб*). Дада...

Самандар (*сғир*). Иван Матвеевичга лом-мим де-
йилмасин, профессоғни эҳтиёт қилиш керак. Катя, мен-
га Москваи уланг.

Парда

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша хона. Столлар, гуллар йиғиштирилган. Саҳнада Нафиса би-
лап Қобилжоп. Улар уртасида жиддий гап бўлиб ўтган. Иккиси
икки томонида турибди.

Қобилжоп (*деворга ўгирилганча*). Отамнинг ўли-
шини билганимда чакса кепакка сотиб ердим, деган экал.

Нафиса (*у ҳам четга қараб*). Пушаймонмисиз?

Қобилжоп. Нимадап? Аҳволни кўриб турибсиз-ку.
Нажот йўлини қидираётган — битта мен. Ҳамма ўзи би-
лап бўлиб кетди. Ҳатто дадангиз ҳам...

Самандар Саидов киради. Юзида тапшин. Сўзсиз салом-
лашиб, иш кабинетига киради. Ундан яна қайтиб чиқиб, китоб
шкафи олдида тўхтайди. Телефон жириглайди. Трубкани ола-
ди. Трубкада кимдир уни табрик қилади, у изтиробда трубкани
қўйиб, ўтириб қолади.

Нафиса. Дада, нима бўлди? Нега индамайсиз —
сизни ишдан олиш ҳақида гап бўлибди-ку, буни биров-
лардап эшитамап, сиз гапирмайсиз.

Самандар. Аввало, «индан олиш» эмас, «вазифам-
дан четлатиш» ҳақида гап бўлиши мумкин. Иккинчидан,
ҳозир бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Нафиса. Аҳамияти йўқ? Бўлмаса, ниманинг аҳамияти бор?

Самандар. Билмадим, қизим. Билмадим... Ҳаётимнинг бутун мазмунини бирдан ел учириб кетгандай бўлиб юрибман. Вужудим ҳувиллаб қолгандек. (*Жавон устидаги гулдонни чертиб.*) Мана бу кўзачадек бўмбўшман.

Нафиса. Биламап, оғир, лекин...

Самандар (*эшитмай*). Наҳотки ўн бир йилдан бери кечаги кун учун ишлаган бўлсам?!

Жимлик. Қобилжон жимликка чидамайди.

Қобилжон. Нима қиламиз, Самандар ака?

Самандар. Билмадим.

Қобилжон. Сиз билмасангиз, ким билади. Нима, қўл қовуштириб ўтираверамизми? Ёки «билмабмиз, хато қилибмиз...» деб ўзимизни гўлликка соламизми?

Самандар. Нима таклифингиз бор?

Қобилжон. Ёзиш керак. Бошқармага, министрликка, ҳаммасини батафсил ёзиш керак: ким айбдор, ким икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди, ким бизни бу жарликка итарган... (*Нафиса йиғлаб бурчакка суқулади. Қобилжон унинг ёнига бориб.*) Ҳеч йиғлайдиган жойи йўқ, бас қилинг, Нафиса, ҳаммаси тўғри бўлиб кетади, йўливи топармиз!

Самандар (*кинояли*). Йўлини! Йўлини қиласиз! Ўйлаб эдим-а, йўлини қиладиганлар топилади деб.

Қобилжон (*қизга*). Сиз ичкарига киринг. Боринг. (*Нафиса чиқади. Самандарга.*) Мени айтяпсизми, Самандар Саидович.

Самандар. БМПни, станокни ҳимоя қилиш керак, лабораторияга, конструкторлик бюросига бориш, бош қотириш керак, станогимизга нима бўлган, айби нимада, наҳотки...

Қобилжон. Сиз тушунмаяпсиз...

Самандар. Тушундим. Ихтиромизни ҳимоя қилиш эмас, ундан қочиб қутулиш йўлини излаяпсиз.

Қобилжон ўзини босиб олиш учун стол ёнига келиб ўтиради.

Қобилжон. Биз сизни, сизнинг тақдирингизни ўйлаяпмиз, Самандар ака. Мана, ҳисоблаб кўринг. (*Чўтти ёнига олиб, қоқа бошлайди.*) Лойиҳа учун группамизга берилган аванс («чиқ-чиқ»), конструкторлар бюроси ва

ёрдамчи устахоналарнинг хизмат ҳақи («чиқ-чиқ»), ташқаридан жалб этилган мутахассислар маоши («чиқ-чиқ»), станокнинг тажриба нусхасини тайёрлаш харажати («чиқ-чиқ»), экспериментал цехнинг хизматлари («чиқ»), станокни ишлаб чиқаришга олиш олдида заводнинг технологиясидаги ўзгаришлар харажати («чиқ-чиқ-чиқ»); кичик серияни чиқариб бўляпмиз — бунинг пули («чиқ-чиқ»! Самандар Саидов унга ҳайрон бўлиб қараб ўтирибди.) Хуллас, Ўбайдулла ака билан билган хомчўтимизнинг ўзи — 26 миллион сўм, Самандар ака! Йигирма олти миллион пул ҳақида гап кетяпти!

С а м а н д а р. Ўбайдулла акангиз билан ҳисобладдингиз?

Қ о б и л ж о н. Ҳа...

С а м а н д а р. Нима учун гап пул ҳақида кетяпти, нима учун станок ҳақида эмас?

Қ о б и л ж о н. Гап у ҳақида ҳам эмас, бу ҳақида ҳам эмас. Гап сизнинг ҳақингизда. Сиз бошингизни ўтга тикиясиз! Бу миллионлар куйиб ўтирибди, ахир. Ё ҳукумат бу миллионларни садақа қилиб юборади, раҳмат айтади, деб ўйлайсизми? Группани ҳимоя қилмасангиз, ўзингизни ҳимоя қилинг, ахир?

С а м а н д а р. Ўзимми!

Қ о б и л ж о н. Ҳа, асосан гоё сизники. Бошқа вақтларда сиз кўпинча бу ерда бўлмагансиз. Кўп ҳужжатларга имзо чекмагансиз.

С а м а н д а р. Бунинг аҳамияти йўқ.

Қ о б и л ж о н (бегоҳат). Бўлмаса, ниманидир аҳамияти бор?

С а м а н д а р. Айтдингиз-ку, мана бу миллионларнинг! Давлат комиссиясидан станокнинг қабул қилиниши ҳам кутмасдан, заводнинг ишлаб чиқариш технологиясини қайта қуришга буйруқ берган — мен ҳаман. Пулнинг ярми шунга кетган.

Қ о б и л ж о н. Худди шу ойлари сиз Планида эдингиз. Чет элда эдингиз, йўқ эдингиз.

С а м а н д а р. Йўқ эдим, ўлган эдим... Ҳа, гапнинг

Қ о б и л ж о н (босиқ). Самандар ака, менга қара, мен прокурор билан ҳам гаплашдим. Сиз ўзингизни ҳимоя қилишдан воз кечадиган бўлсангиз, унинг айбонлиги...

С а м а н д а р (жаҳл ва ҳайрат билан). Прокурор?!

Қ о б и л ж о н. Ҳозир оддий юрист.

Убайдулла Ҳамдамовнинг танишими, қўшнисими экан...

С а м а н д а р. Яна Убайдулла Ҳамдамович!

Қ о б и л ж о н. Ўзим атайлаб борган бўлсам-чи, айбми? Нега бормайман? Сиз менга бегона одам эмассиз-ку?

С а м а н д а р. Менга қараи!

Қ о б и л ж о н. Унинг айтишича, бу йигирма олти миллионлик жинойт бўлса, камида...

С а м а н д а р. Бас! Мен сизни инженер-конструктор деб юрсам, сиз... «Прокурор!», «Жинойт!» Ижоддан гапирсангиз-чи, ўша ўн йиллик дастгоҳимиздан гапиришга икки оғиз ҳам гапингиз йўқми?!

Қ о б и л ж о н. БМП, станок... Кичик серияни чиқариб қўйибмиз. Йигирма олти миллионлик темир-терсак! Худо уриб кетибди-ю, тап олмаяпмиз. Ўжарлигингиз шунақа муқаддас нарсам, турмада чирийсиз...

Самандар оқариб, гаширолмай, утириб қолади.

С а м а н д а р. Сиз БМПни аллақачон гўрга тиқибсиз. Энди мени кўмпсиз.

Қ о б и л ж о н (*босиқ овоз билан яна бошлайди*). Лекин ҳамма нарсага сиз айбдор эмассиз. Истасангиз бутунлай бегуноҳ бўлиб чиқа оласиз. Ҳамма айб — баланд-парвоз қилиб қабул акти ёзган комиссияда! Қайсарлик қилмасдан, шундай деб турсангиз — олам гулистон! Нега сотиб олмақчисиз кулфатни? Нафисани ўйланг, у тирик етим бўлиб қолса майлими? Мен ким деган одам бўлман, сиздан умидларим...

С а м а н д а р. Э-э... гаи бу ёқда денг. (*Пауза.*) Менга қараи, сизнинг ёшингиз... 28 да?

Қ о б и л ж о н (*ҳайрон*). Ҳа, нима эди?..

С а м а н д а р. Ўз кўзим билан кўриб турмаганимда, бундай ёш йигитнинг бу қадар тажрибали муттаҳам бўлишига сира ишонмас эдим.

Қобилжон бирдан таниб бўлмас даражада ўзгаради. Бу вақт ичкаридан Нафиса чиқади.

Қ о б и л ж о н (*эшик томон юриб*). Ҳали шунақами? Бизнинг хайрихоҳлигимизни тушунармикансиз деб ўйлаган эдим. Сиз ёлғиз жазо тортмоқчи экансиз.

С а м а н д а р. Жазодан қўрқмайман!

Қ о б и л ж о н. Тортинг, тортаверинг-чи, ким қизғанаркин...

С а м а н д а р. Бегона эмас эмиш! Хайрихоҳ!

Қобилжон. Остонапгизга қайтиб оёқ қўйсам, номардман!

Самандар. Шундоқ ҳам унча мард эмас экансиз, акаси. Қийинчиликнинг учи кўринмасдан...

Нафиса (*югуриб келиб, йигитнинг йўлини тўсади*). Қобилжон, бир гапдан қолдинг. Дада, вақти эмас!..

Қобилжон (*уни кўрмагандек, эшикка юриб*). Яхши ниятни тушунмаган...

Самандар. Тушундим ниятингизни!

Қобилжон эшикни тарақлатиб чиқиб кетади. Нафиса деворга пешонасини тираб қолади.

Нафиса. Дада! Нима қилиб қўйдингиз? (*Йиғлайди.*)

Самандар. Йиғлама, қизим... Арзимаيدи.

Нафиса. Ахир у сизнинг мапфаатингизни гапир-япти-ку!

Самандар. Гап менинг мапфаатимда эмас.

Нафиса. Мен-чи? Менинг бахтим-чи!

Самандар. Дастгоҳимиздан, ихтиронинг ғоясидан воз кечишни талаб қилишти бу одам. Харажатларимиздан, имзоларимиздан, шунча йил қилган меҳнатимиздан тониб, мен ўзимни ўзим ҳимоя қилишим керак экан, тушунясанми? Йўқ! Мен фақат БМШ, бошқа ҳеч нарсани эмас, фақат станогимизни ҳимоя қиламан. БМШ — бу менинг ўзим. У — сен. У — бутун группамиз, бутун коллективимиз. У — менинг ўн йилим. Меҳнатим, заҳматим, мазмуни, ҳаётим, тушунясанми? Агар ҳозир мен: «Кечирасизлар, хато қилибмиз» ёки «Буни мен қилганим йўқ, бу менинг имзом эмас» қабилида иш тутсам, бу станокдан, ихтиромиздан, фарзандимиздан тониш деган гап бўлади, қизим.

Нафиса. Шунинг учун Қобилжонни остонапгиздан сурдингиз. Ўша темир-терсак, ўша станогингиз сизга фарзанд, мен фарзанд эмасман.

Самандар (*бирдан қизини қучиб, бошини силаб*). Эшитдинг-ку, қизим... «Прокурор!» (*Кўксини кериб.*) Мана прокурор! Виждон — прокурор, қизим. Ўша айтган миллионлар кимнинг пули? Ўзимизники! Халқники! Мен уни хазон қилган бўлсам, буни ўзимга, виждонимга, халққа очиқ айтишим керак. Агар хазон қилганим рост бўлса, жазосини тортишим керак, прокурор нима қилиб юрибди бу ерда? Мен чап берганим билан, виждонимдан қаёққа қочиб қутуламан, қизим?

Нафиса. Ихтиёрий жазо тортмоқчимисиз?

Самандар. Мен станогимизни қутқариш йўлини излайман.

Нафиса (*умидсиз*). Қандай қилиб, ахир? Бу ерда битта ўзингиз эмас, бизни ҳам, яна печта одами домингизга тортиб...

Самандар. Нима гап ўзи? Тил бириктирганмисизлар?.. (*Бирдан юмшаб.*) Болам, кўрдинг-ку, қўй ушани... Эсингни йиғ, Нафиса.

Нафиса (*хайратда*). Мен сизни... ҳозирги замон кишиси деб, илғор зиёли деб билардим. Сиз... сиз бидъатга ботган қолоқ чоллардан ҳам баттар экансиз-ку.

Самандар. Қизим...

Нафиса. Менинг ихтиёрим йўқми? Муҳаббат ҳақида гапирган гапларингиз «мен яхши отаман» деб мақтаниш учунгинамиди? (*Жаҳл устида.*) Ахир... сизнинг нима ишингиз бор? (*Йиғи товуши билан.*) Мен тураман у билан!

Самандар. Ахир, болам, кўра-била туриб сени тўхтатмасам... (*Ўйлаб туриб, бирдан.*) Ё энди кечми?

Қиз чўчиб тушади. «Қаёқдап биласиз?» дегандек мўлтайиб қарайди. Ота тушунади. Жимлик. Изтироб.

Мен айбдорман, қизим. Завод билан бўлиб, иш билан бўлиб, сени назардап қочириб қўйдим...

Нафиса. Нималар деяпсиз? Мен ўкинмайман, дада.

Самандар. Онанг бўлганда эди...

Нафиса (*қаттиқ*). Мен пушаймон эмасман деяпман-ку!

Самандар (*эшитмагандек, қийноқда*). Кўзинг қаёқда эди, болам, ғуруринг қаёқда эди...

Нафиса бирдан шошиб, чамадонини йиғиштира бошлайди.

Нафиса, қизим, қаёққа, нима гап?

Нафиса. Биладан, энди бу уйда менга кун йўқ.

Самандар. Қизим, эсингни йиғ.

Нафиса. Уни бу ерга қайтиб келмайдиган қилдингиз. Мен қаёққа бораман?!

Самандар. Упикигами? Бутунлайми?

Нафиса чамадонини олиб чиқиб кетади. Самандар пешонаси-ни ушлаб ёлғиз қолади. Қош қорайган, хона қоронғи. Самандар креслога чўқади. Комендант киради, қўлтиғида портфель, оёғида калошли этик.

Комендант (бепарво). Салом-алайкум. (Чироқ ёқади, уй эгасининг алик олмагани билан иши йўқ, девор ва деразаларга қараб хоналарни чамалайди.) Хуш, (ўзига қарамайди) тузукмисиз, Самандар Саидович? Қачон бўшатасиз?

Самандар (уни энди пайқаб). А? Э, келинг, комендант. Бир нима сўрадингизми?

Комендант. Ремонт ҳам керак экан, чамамда.

Самандар. А?

Комендант. Қачон бўшатасиз, деяпман? Янги директор келар экан. Ремонт қиладиган бўлсак, сиз барвақтроқ...

Самандар. А, э-ҳа!.. Янги директор денг.

Комендант. Квартира масаласи билан қизиқибди эмиш...

Самандар. Бўшатамиз, бўшатамиз, ўртоқ комендант. Фақат...

Комендант. «Фақат-мақати» бўлмаса, Самандар Саидович.

Самандар. Хуш...

Комендант. Шундоқ.

Комендант чиқиб кетади. Садр Рўзибоев киради.

Садр. Салом, Самандар ака.

Самандар. Келинг, шеф-монтёр.

Садр (комендантга ишора қилиб). Бу нима қилиб юрипти?

Самандар. Ҳа, шундоқ, майда-чуйда иш.

Садр (ичкари эшикка аланглаб). Ўзингиз тузукмисиз ишқилиб?

Самандар. Заводда нима гап?

Садр. Нима бўларди, сомонхонага ўт тушган... (Кўзлари Нафисани излайди.)

Самандар. Қани, ўтиринг.

Садр. Йўқ, мен... Хайрлашай деб келган эдим. Нафиса кўринмайди.

Самандар. Йўқ, сиз ўтиринг, ука. (Бошлаб келиб ўтқизади, ўзи ҳам ўтириб.) Нафисада кўнглингиз бор, биламан.

Йигит бош эгади.

Мен ҳам уни яхши кўраман. Жуда. Сира ёнимдап кетказгим йўқ эди. У менга жуда қимматга тушган, биласиз...

Садр. Бир нима бўлдимиз?

С а м а н д а р. Йўқ. Шунчаки сиз келганда мен ҳам Нафисани ўйлаб ўтирган эдим. Жуда очиқ бола. Биласиз, аввал ўқитувчиликка ўқиган. Уч-тўрт ой тупна-тузук ўқитиб ҳам юрди. Кейин бир кунни нима бўлди дег! Мактабдан келдию: «Дада, тамом, ўқитувчилик қилмайман», дейди. Э-ҳа, нима гап? Биронтаси хафа қилдимиз? Йўқ, бирдан ўқитувчиликка қобилияти йўқлигини, болалар уни севмаслигини пайқабди. «Ўқитувчи болалар учун бир кашфиётдай бўлиши керак», дейди. У ўқитувчилик учун яратилмаганлигига амин бўлгач, шунча йиллик ўқиши, меҳнати — баридан воз кечиб, йигирма ёшида касбини ўзгартиришга бел боғлади. Чертёжлар курсини битириб, мана шу МКБ га ишга кирди.

С а д р. Бу воқеаларнинг ҳаммасини биламан мен, Самандар ака, нега менга яна гапирярсиз? Айтинг, нима бўлди?

С а м а н д а р. Нафиса кетиб қолди. Қобилжонникига кетди.

С а д р (*сакраб туриб*). Бу нима... бутунлайми?

С а м а н д а р. Нарсаларини олиб. (*Садр Рўзиевич ҳайрон бўлиб қолади.*) Мен ўзим айбдорман. Барига мен айбдорман. Сизга ҳам қийин бўлди, акаси. Бир томондан, севимли касбингиз, сафарингиз бекор бўлиб турибди, бир томондан, бу...

С а д р. А? (*Гўё уйғониб.*) Йўқ, мен кетаман. Кўргазма бекор қилингани йўқ. БМП Мюнхенга жўнатилган.

С а м а н д а р. Ҳа, бахтга қарши, жўнатиб улгуришган. Баттар бўлди, энди у ерда бизни шарманда қилади станогимиз. Кетяпман дег?

С а д р (*тетик*). Кетяпман!

С а м а н д а р. Чиннакка чиққан станокни монтаж қиласиз?

С а д р. Мен сизга ўхшаб дарров таслим бўла қолмайман, домла. Билет чўнтагимда. Мен... Нафисани ҳам... умид узганим йўқ, билиб қўйинг! Хайр. Хайр, Самандар ака! (*Чиқади.*)

С а м а н д а р. Қизиқ одамлар... «Умид узганим йўқ». (*Йиғлагудек бўлиб.*) Умид...

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Самапдар Саидовнинг ижарага олган уйида биринчи хона. Куч ҳали жойлаштирилмаган: чертёж столлари, ватман қоғозлари, китоб ва чизмалар тартибсиз уйилиб ётибди. Иш столида очиқ дафтарлар, схемалар, чойнак, нон, чироқ. Дераза пардаси туширилган. Самапдар ишдан бош кўтариб, уйқуни қочириш учун водопровод жўмрагидан бошига сув қуюди. Кўзи киртайган, соқоли ўсиқ, ҳорғин Зокир ака киради.

С а м а н д а р. Зокир ака, сизмисиз?

З о к и р а к а. Салом.

С а м а н д а р. Нима қилиб юрибсиз кечаси?

З о к и р а к а. «Кечаси»нг нимаси. (*Деразанинг пардасини кўтаради, хона ёришади.*) Кун тикка бўлиб қолибди-ю.

С а м а н д а р (*ёруққа кўзи қамашиб*). Э-ҳа... Мен бўлсам ҳамон бир жойда... (*Ўтиради.*)

Зокир ака ҳам ўтиради. Жимлик.

З о к и р а к а. Хўш, нима қиламиз?

С а м а н д а р. Нимани?

З о к и р а к а. Сеп нимани ўйлаяпсан? Мен станокни айтяпман.

С а м а н д а р. Мен куёвимни ўйлаб ўтирибман. Қарапг, бир баҳона сабаб — одамнинг ичи-таши очилди-қўйди. Атрофингда кимлар юрганни билмас экансан.

З о к и р а к а (*хонани кўздан кечириб*). Лабораторияга, МКБга боришинг керак. Бу ерда ёлғиз диққина-фас бўлиб кетасан.

С а м а н д а р. Янги директор келгани йўқми?

З о к и р а к а. Йўқ. Ҳали-бери келмайдиганга ўхшайди. Нима бўлаётганини ҳам билмайсан. Ҳозирча ўзимиз хўжайин. Лабораторияга чиқ. У ерда ҳар ҳолда одамлар бор. Якка ўзинг нима ҳам қила олардинг.

С а м а н д а р. Нега якка бўлар эканман? (*Бирдан Зокир акани қучиб олади.*)

З о к и р а к а. Атрофингдаги одамлардан жуда ҳам поумид бўлиш ярамайди. Яхши одамлар бор.

С а м а н д а р (*ихлос билан*). Биламан, Зокир ака. (*Бирдан ўзгариб.*) Лекин ҳадеб келаверманг. Япа гуруҳ-бозлик дегани ҳам гарданнимизга тушиб ўтирмасин. Боп-қармадан одам келаётган эминими?

З о к и р а к а. Ҳа, келяпти. Муфассал тушунтириш, изоҳнома тайёрлаш керак экан. Молия, сарф-харажатлар бўйича Убайдулла Ҳамдамович ишга тушиб кетган.

С а м а н д а р. Нима қилса қилишар, менинг ҳозир вақтим ҳам, ҳуқуқим ҳам йўқ. Менинг ҳозир ҳеч нарсам йўқ, ҳеч нарсам қолмади, Зокир ака. Ўзимнинг жанозамда ўтиргандайман. Фақат бир нарса, бир истак бор. Мени ўйлаш бахтидан маҳрум этманглар. Бирдан-бир илинжим шу, Зокир ака... Билишни истайман... Шуни билсам, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

З о к и р а к а. Нимани?

С а м а н д а р. «Платт-Риттер» фирмасининг топган афзаллиги нимада? Сири нимада? Қандай принцип?

З о к и р а к а. Шу хонада ўтириб, ўзинг тоңмоқчимисан сирини? БМПга давлат комиссия тайинлайди, қайта аттестация бўлади, ўшанда ҳаммаси...

С а м а н д а р. Аввало, буни неча ой кутиш керак — билиб бўлмайди. Иккинчидан, қайта аттестация қилиш билан станогимиз ўзгариб қоладими? Кўрсаткичлар ўша-ўша. Ишлаб чиқаринг эффементи ўша инглизларнинг афсонавий дастгоҳиникидан бир ярим баробар кам. Гап шундаки, бунинг бўлиши мумкин эмас, Зокир ака!

З о к и р а к а. А? Қандоқ? Сен бирон нарсанинг тагига етдингми?

С а м а н д а р. Биласизми, бу нима бўлиши мумкин? (Пауза.) Йўқ, йўқ-йўқ...

З о к и р а к а. Тиниқроқ гапира оласанми?

С а м а н д а р. Тинитолмайман-да. Менда бир гумон бор-у, лекин... Иван Матвеевичсиз буни мен бировга айтолмайман. У кишига гапиришга эса юрак дов бермайпти. Трубкани оламану қўяман. Ахир у ҳали бу хушук воқеалардан тамом беҳабар, огир ётибди.

З о к и р а к а. Йўқ-йўқ, унга ҳозир асло гапира кўрма. Ҳаммасига ҳам улгураимиз.

С а м а н д а р. Улгураимиз, Зокир ака. Станок устидаги ишни энди бошлаётгандайман.

З о к и р а к а. Ўн бир йиллик меҳнатдан кейин-а?

С а м а н д а р. Ҳа, нимадир мени тортиб кетяпти, қоронғиликка. У ерда, зулмат қаърида нимадир бордек, топсам ҳаммаёқ чарақлаб кетадигандек! Ё ўша ўтти топаман ёки енгилганлигимни тан оламан. Бошқа ҳамма машинашалар беҳудда.

З о к и р а к а. Қисқаси, ишлагинг келяпти. Бўпти, хотиржам бўл, халақит бергани қўймайман.

С а м а н д а р. Сизда ҳеч қандай янги фикр туғилгани йўқми?

З о к и р а к а. Нега туғилмас экан. Бор. Фикр бор.

С а м а н д а р. Нима ҳақда?

Зокир ака. Сеинг хулқ-атворинг ҳақида, Самандар.

Самандар (*қулоч ёзиб*). Зокир ака... Мен нима деяпману сиз... Менинг хулқ-атворимга нима бўпти, хўш?

Зокир ака. Фикр-зикринг бу билан банд бўлгани яхши-ю...

Самандар. Кўнглимга бошқа гап сиғмайди.

Зокир ака. Лекин...

Самандар. Нима «лекин?»

Зокир ака. Атрофингда нималар бўлаётганини тан олгинг келмаяпти. Одам ўз қадрига етиши, ўзини ҳимоя қила билиши керак. Шаҳар комитетида ўзингни тутишинг...

Самандар. Нима бўпти?

Зокир ака. Ишдан четлатишларини ўзи тилаб олди дейишяпти.

Самандар. Упчалик эмас. Лекин одам ҳалол бўлиши керак. Бу ишлар текширилиб бўлгунча ахир мен бари бир...

Зокир ака. Ҳалол, ҳалол... Заводни қўлингдан олса — индамасанг, МКБни қўлингдан олса — индамасанг... Ёгочнинг мўртини қурт ейди. Ё эгиламану синмайман демоқчимисан?

Самандар. Зокир ака, биласизми, одам — нима? Одам — унинг мансаби ёки унвони эмас, одам — унинг иши!

Зокир ака. Мен сенга нима демоқчимап. Борди-ю, бошқа ҳамма гапга қўл қовуштириб ўтирсанг ҳам, лекин партия сафида қолишинг учун курашининг керак, ўзингни ҳимоя қил ахир, бу қанақаси!?

Самандар. Агар дастгоҳимиз ҳақиқатан ҳам пучга чиқса, агар ўн йиллаб қилган меҳнатим чиндан ҳам ҳеч нимага арзимаса, мен коммунист бўлиб қаёққа бордим?! Бу менинг умрим, Зокир ака, тушуняпсизми?! Бусиз мен директор ҳам эмасман, олим ҳам, коммунист ҳам эмасман!

Зокир ака. Ўз тақдирига лоқайд одамни энди кўришим.

Самандар. Мен лоқайд эмасман. Лекин гап менинг тақдиримда эмас. Гап дастгоҳимизда.

Зокир ака. Дастгоҳ одамдан афзалми?

Самандар. Ҳа, агар дастгоҳ шу одам ҳаётининг мазмуни бўлиб қолган бўлса. Яна айтаман: одам ўзи қилган ишдагина яшай олади. Одам ўзини эмас, ишини ҳимоя қилиши керак!

Зокир ака. Ҳм... Фалсафани менга ёқади. Умуман нимага ёқади-ю, нимага ёқмайди — баъзида тушунмай қоламан. Менга қара, сенга бир нарсани айтиб қўйай: биз кичик серияни ишлаб чиқаришни тўхтатганимиз йўқ.

Самандар. Қандай? Бошқарманинг буйруғи-чи?

Зокир ака. Буйруқ... энди... буйруқ бўлса бўлар. Мава сен ҳам ишни тўхтатмайсан-ку! Биз нега тўхтатар эканмиз?

Самандар. Менга буйруқ бўлмайди. Сўнгра... Биласизки, меннинг ҳозир хўжайиним ҳам йўқ. Буйруқ мава (юрагини кўрсатиб), бунидан бўлиши мумкин, холос.

Зокир ака. Борми ахир?

Самандар. Нима «борми?»

Зокир ака (унинг кўксини кўрсатиб). Буйруқ.

Самандар (жилмайиб). Бор.

Зокир ака. Жуда соз. (Ўйга толади.)

Самандар. Менга... (Пауза.) Сиз ҳадеб келавермавт. Умуман, мени ўз ҳолимга қўйинглар.

Зокир ака. Қўрқма. Биз сенинг атрофингга тўп-ланган фитначи гуруҳ эмасмиз. Гарчанд, баъзилар шундай деб ифво қилаётган бўлса ҳам. Аммо биз сенинг кўрсатманг билан эмас, ҳатто, аксинча, сенинг фикрингга қарши бориб, ишлаб чиқаришни давом эттиряймиз.

Самандар. Нимага? Мақсад?

Зокир ака... Билмайман. Негадир — БМН ни кўзимиз қиймаяпти, шунча гапдан кейин ҳам унга ишонч сўвмаяпти. У бекор бўлиши мумкин эмас. Бунда бир гап бор. Одам ўз боласига ишонмаса... (Самандар «ўз боласи» деган гапни ўзига олди, бош эгиб қолди. Нафисани эслади чоғи. Самандарнинг аҳволини сезиб, тетик) бир гап бор. Ҳа... бор.

Самандар. Раҳмат, Зокир ака. Ишончингизга раҳмат. (Кўксига бош қўяди.)

Зокир ака (соатига қараб). Мен ишга кечикяпмав. Кўзинг киртайиб қолипти, дам ол. Қайтишда кирамав.

Чиқиб кета бошлайди.

Самандар (орқасидан). Лекин конвейерни тўхтатишлар! Бошқарманинг буйруғини бажариш керак. Дарвоқе, яна ўзингиз биласиз, сиз директорсиз. Ундан кейин, Зокир ака, мени дарров йиқилади деб ўйламавглар, мен ҳали олинаман!

Зокир ака эшикни ёнғач, кесакка пешонасини қўйиб, дармонсиз қолади. Жимлик. Делолар кутариб Муллажонов киради.

Муллажонов. Салом-алайкум.

Самандар. *(Унга қарамасдан, ўз фикрини давом эттириб)*. Охирги илинжимгача!

Муллажонов. Нима деганингиз?

Самандар. Э-ҳа, Муллажонов... Келинг. *(Курси таклиф қилади.)*

Муллажонов *(хонани кўздан кечириб)*. Э-э-э... Жуда ҳам ғариб-ку, а? Тор жойга томоша дегандай, бу дукоп-доскани нега ташиб келдингиз энди тагин? *(Чертёж тахталарини кўрсатади.)*

Самандар. Юмушингиз бўлса гапира қолинг. Иншалоқчиман.

Муллажонов. Сизга ачиняман-да. Шунча мол-давлатда яшаган одам, дафъатан...

Самандар. Ишингиз борми, деяман!

Муллажонов. Нима деганингиз? Ишми, иш бор, албатта. *(Стол ёнига ўтириб, имиллаб папкаларини очди. Анча қоғозларни битта-битта чиқариб столга қўяди.)* Мана. Мана.

Самандар *(кўздан кечириб)*. Булар нимади?

Муллажонов. Мана бу ўша мен тузган акт, ҳов ёдингиздами, чертёжларни қабул қилмаганман. Актга қўл қўймагансиз, лекин мен қўл қўясиз деб туриб олганман. Мана буниси, хўш, мен брак қилган лойиҳа. Биринчи вариант, эсингиздами, мен топганман хатосини. Буниси... буниси бош технологнинг кабинетида сузлаган нутқимнинг стенограммаси. Мана, тагига чизилган жойини кўринг: станокнинг баъзи қисмларига принципиал гумонларимни билдирганман. Мана бу... буниси ҳам стенограмма...

Самандар. Буларни нега кўтариб юрибсиз?

Муллажонов. Нима деганингиз? Хабари йўқ одамдек гапирасиз-а! Рангингиз ўчган ё бошингиз айланяптими?

Самандар. Бошим айланиб турибди.

Муллажонов. Ахир марказдан одам келаётган экан. БМII масаласида. Тушунтириш ёзаётган экансизлар, мана менинг ҳужжатларим. Вакил ажрим қилиши керак: яъни ким айбдор, ким қўллагану, ким қарши курашган...

Самандар *(тубан одамга қарагандек тикилиб)* Э-ҳа... сиз қарши курашгансиз, шундайми?

Муллажонов. Бўлмаса-чи! Ўзингизнинг хабарингиз бор. *(Иккинчи папкани оча бошлайди.)*

Самандар. Тушунмаётганимки, сиз бу ҳужжат-

ларви-ку йиғишга йиғибсиз, лекин нега уларни менга олиб келдингиз?

Муллажонов. Нима деганингиз? Ахир келган вакил аввало сиздан сўрайди. Яъни кимнинг дахли бор, кимнинг дахли йўқ... Бизлар билан гаплашадими-йўқми, сиз билиб қўйинг дейман-да, эсингизга солиб қўйяпман-да.

Самандар. Ахир, булар сизга ёрдам бермайди-ку, булар босиб ўтилган қийинчиликлар, эскиб қолган гаплар, гуруҳамизда бўлиб ўтган баҳслар...

Муллажонов. Ҳа, ана! Баҳслар! Ўша баҳсларда мен доим қарши чиққанман. Доим қарши курашганман...

Самандар. Оббо, қаҳрамонлар ҳам чиқиб қолди-ю...

Муллажонов (*эшитмайди*). Нима деганингиз? (*Яна учинчи папкасини титади.*) Бу ёқда яна бор. Очиғини айтсам, мен сизга ҳам қарши курашганман. Тегишли ташкилотларга имзосиз хатлар ҳам ёзганман. Энди очишга тўғри келади, мана нусхалари...

Самандар (*ҳайрон, кўзига қараб*). Яхши ҳам нусхаларини сақлаб қолган экансиз, қани ўқиб кўрайлик-чи. (*Ўқийди.*)

Муллажонов. Мен олдиндан кўрганман. БМПнинг бундай бўлишини, ҳа...

Самандар. Менга қаранг, бу бўҳтон-ку, бу ифлос туҳмат-ку!

Муллажонов. Ана шундай дейишингизни билиб қўл қўймаганман-да.

Самандар. Энди булар керак бўлиб қолди деми? Ахир сиз ўзингизни ўзингиз фоида қиласиз-ку, Муллажонов! (*Жаҳл билан.*) Ахир сизнинг тубан одамлигингизни исбот қилиш учун ҳеч қандай ҳужжат керак эмас!

Муллажонов. Нима деганингиз? Сиз мени тубан деманг!

Самандар (*бўшашиб*). Кечирасиз...

Муллажонов. Ҳозир мендек ҳақиқатчилар керак бўлиб турибди. Давлат пули сувга оққан. Бир гуруҳ одамлар қамалиб кетадиган. Мен сизнинг ҳам гумонсиратган вақтларингизни биламан. Гувоҳлик беришим мумкин. Ҳужжат тўланг, вассалом. Шундоқ ҳам жабрини тортиб ўтирибсиз. Кимлар қабул актига қўл қўйган бўлса, ушлар жазосини тортсин!

Самандар. Муллажонов, ҳозирча қамоқ ҳақида гап йўқ. Сўнгра, у ерда бир гуруҳ одам жазога тортилди нима-ю, бу ерда бир гуруҳ одам жазога тортилди пи-

ма? Бу билан масаланинг моҳияти ўзгарадими? Ё давлатнинг «сувга оққан» фалон пули камайиб, фалон пул бўлиб қоладими? Йўқ, сарф ўша-ўшалигича туради, сиз билан бизнинг айбни бировларга тўнкаб, номардлик қилганимиз қолади. Олинг, бу қоғозларингизни, йиртинг.

Муллажонов. Ие, сиз қизиқ экасииз-ку! Номард дейсиз, ҳақорат қиласиз. Шуни айтади-да, эгардан тушмаяпти, деб. Сиздан кўра, анов кекса профессор тузук экан-ку, одамшаванда, касал бўлса ҳам яхши қабул қилди.

Самандар (*ўрнидан туриб кетади*). Ҳали сиз... (*Ёқасидан олгудек*.) Иван Матвеевичга ҳам бордингизми?!

Муллажонов. Ҳамдамовга қойилман, чолнинг қулоғига шундай ётиги билан қўйдики...

Самандар (*инграб юборади, шивирлаб*). Ўлим тўшагида ётган одамга-я... Икковларинг бордиларингми? Иван Матвеевич нима деди?

Муллажонов. Индамади. Воқеаларда мутлақо хабари йўқ, ғафлатда ётган экан, қаранг, индамай ётиб қулоқ солаверди. Индамади — аломати ризо. Сиз бўлсангиз...

Самандар ғазабда уйни бир айланади, телефонни олади-ю, яна қўйиб қўяди.

Самандар. Тавба... Энди кўзим очилипти-ку, а?

Муллажонов. Нима деганингиз?

Самандар. Муллажонов... (*Ўзини босишга уришиб*). Сиз боринг.

Муллажонов. Қаёққа?

Самандар. Билмадим. Боринг. Боринглар, ҳамманглар боринглар! (*Қизиша бошлаб*.) Ҳа, ҳамманглар бир-бирларингни босиб, ўзларингни четга олиб қочинглар. Кулфатда уни ёлғиз қўйиб, каламушдек тирқираинглар!..

Муллажонов. Кимни кулфатда ёлғиз қўйибмиз? Кимни гапиряписиз?

Самандар. Кимни... БМП ни, дастгоҳимизни, Муллажонов.

Муллажонов (*кулиб*). Худди одамга ўхшатиб гапирасиз-а!

Самандар. Ҳа, сизга у жонсиз, темир-терсак! Менга, Иван Матвеевичга у худди жонли одам, фарзанд! Биз унга қонимизни қўйганмиз, иссиқ нафасимизни

уфурганмиз, ўн бир йиллик дардимиз, қувончимиз, уйқу-
сиз тунларимиз — бари ўшанда! Мен ўзимни ўлимга
ҳукм этолмайман! *(Муллажоновнинг ҳужжатларини ги-
жимлаб папкасига тикиди.)*

Муллажонов. Бу хатти-ҳаракатларингизда мап-
тиқ йўқ, Самандар Сандович, чунки БМП ҳақиқатан ҳам
темир-терсак, туғилмай улган фарзанд...

Шошиб чиқаётганида Зокир акага дуч келиб, тўхтаб қолади.
Зокир ака ҳорғин.

Самандар. Зокир ака, жоп Зокир ака, қандай қи-
либ бўлса ҳам мени шулардан халос қилинг. Бир ҳафта
босиб ўтириб ишланам керак.

Зокир ака. Самандар...

Самандар *(бир нимани сезиб)*. Нима гап?

Зокир ака. Профессор... Иван Матвеевич вафот
этди.

Самандар *(бошини чангаллаб, стулга ўтириб қо-
лади)*. Бошига етдилар!..

Муллажонов. А-а, э-э... нима деганингиз...

Парда

ТўРТИНЧИ КЎРИНИШ

Қобилжоннинг уйида меҳмонхона. Қобилжон ёлғиз, татби хира,
соқоли ўсиқ, пижамасининг тугмаси ўзиқ. Убайдулла Ҳам-
дамов киради.

Қобилжон *(ғаш)*. Келинг.

Ҳамдамов. Мотамга бормадинг.

Қобилжон. Самандарга дуч келишдан кўрқаман.

Ҳамдамов. Кўрқаман? *(Кулади.)*

Қобилжон. Кўзлари ич-ичингга санчилиб кириб,
«Виждонинг қани?» деб тикилаётганга ўхшайди. Ўзин-
гиз бордингизми?

Ҳамдамов. Бордим. Одамлар бир-бирига шуна-
қаям бегона бўлибдики...

Қобилжон. Нима, қабристонда қучоқлашиб кў-
ришсинми?

Ҳамдамов. Қўл бериб кўришмайди-ю, қучоқла-
шини айтасан. Нима, ҳеч парсанг йўқми?

Қобилжон... Бор! *(Буфетни очиб шиша, рюмка-
лар олади. Ташқарига.)* Нафиса! У-бу ола кел!

Ҳамдамов. Шундай жонон, отасидан кечиб, қўлингга келиб қўнган бўлса, яна нега қовоғингдан қор ёғади?

Қобилжон (*ташқаридаги хотинига ишора қилиб*). Келди-ю... Сира очилмаяпти. Отасини ўйлайди шекилли.

Ҳамдамов. Хавотир олмасин, айтиб қўй. Самандарга ўхшаганларга ҳеч бало урмайди. Бизда ҳаммавақт шунақа-ку, ахир ўзинг биласан: биров қирқ сўмлик галтак ип билан қўлга тушса — қамалиб кетади; биров давлатнинг қирқ миллион сўмини сувга созурса — бонлаб акт тузамизу кечирворамиз.

Ичадилар. Нафиса закуска олиб киради. Столни тузаб, яна индамай чиқиб кетади.

Қобилжон. Кўрдингизми? Аҳвол мана шу. Сил бўлиб кетаман. Иложи бўлса, кўрпа-тўшакни ҳам бошиқа қиладиган. Айниқса анови профессор ўлгандан бери...

Нафиса яна киради. Стол билан овора.

Ҳамдамов (*ичиб*). Иван Матвеевични айтасизми? Бунинг нимаси ажаблаларли? Одатдаги гап. Эски рус интеллегенцияси ўзи доим шунақа: «Фан учун», «жамият учун» деб ўлиб кетишни жоғидан ҳам яхши кўради. Подшонинг фойтунига бомба ташлаган, ўлимга тикка борган, Сибирда чириб кетган... Ўзимизшиқилар-чи? Амир зиндошида етмиш дарра дейсизми, Астробод сургунию Шохимардон тошбўронлари! Нимасини айтасиз? Энг илғор, энг революцион сиёф бўлган зиёлилар, мен сизга айтсам, ҳа! (*Уриштириб ичадилар.*)

Нафиса. Ҳамма нарсани чалкаштирвордингиз, мингиз ачиб кетибди, Убайдулла ака.

Ҳамдамов. Менга қаранг, Нафисахон, Европада ҳатто бутун ҳокимиятни зиёлилар қўлига олиб бериш учун кураш кетяпти. Сиз нима деяпсиз! Ўзимизнинг социалистик мамлакатларда! Бутун бир оқим, ижтимоий ҳаракат, бутун бир фалсафа! Технократия дейилади, ҳа! Буни бежиз деб ўйлайсизми? Йўқ, акаси, замон бу, замон! Замон тақозоси шунақа!

Қобилжон (*сал кайф билан*). Мен баъзан ўзимнинг пасткашлигимни пайқаб тураман. Мени пасткаш қилган нима? Мутелик. Қул ҳамиша паст бўлади. Мен қулман. Умрим бино бўптики, ҳамиша кимгадир боғлиқман. Мана бу дипломин олгунча (*кўксини кўрсатиб*) биласизми, не-не одамларга бош эгдим.

Нафиса (*ғазаб билан*). Бас қилинг!

Қобилжон... Биласизми, не-не аҳмоқларга қуллуқ қилдим! Энди бўлса сизга боғлиқман (*Нафисани кўрсатиб*), мана бунга боғлиқман (*юқорини кўрсатиб*), унга боғлиқман... Ҳа, ҳа. Сиз ўзингиз ҳам боғлиқсиз; Самандарга боғлиқсиз, хотинингизга боғлиқсиз, менга ҳам боғлиқсиз... Ҳа, ҳа, боғлиқсиз. Анови қоғозга қўл қўй, дедингиз, қўймадим, ҳали тагин ялппасиз, биламан. Боғлиқсиз, мутесиз.

Ҳамдамов. Қобилжон, Қобилжон, сиз гапни майдалаштиряпсиз.

Қобилжон. Менинг фикримча, (*ичади*) билимли одам муте бўлмаслиги керак. Ҳеч кимга! Ҳеч кимга, билдингизми? У ёқда... капиталистик дунёда пулдорлар шунақа, ҳеч кимга қарам эмас (*Нафисанинг ҳайратда қараб турганини кўриб*). Нафиса, ё сен қаршимисан? Бизда билимли одам ҳеч кимга муте бўлмаслиги керак. Ҳамма нарса билимли одамники — обрў ҳам, уй-жой, фаровонлик... айтгани-айтган, дегани-деган бўлиши керак.

Нафиса (*қўлидан рюмкасини тортиб олиб*). Ичманг.

Ҳамдамов. Қобилжон гапнинг қоқ моҳиятини очиб ташлади, Нафисахон. Бизда, илғор жамиятда худди шундай бўлиши керак. Бизда шундай бўлмаса қаерда бўлади?.. Лекин аслида-чи? Аслида билимли одамнинг қадрига етиш йўқ. Очиғи-да, дипломларни чапг босиб ётибди. Заводга-чи, заводга ким хўжайин? Бир замонлар «пастдан юқори» бўлган чаласавод.

Қобилжон (*камтарлик билан*). Гап унда эмас, Убайдулла ака.

Ҳамдамов. Гап шундаки, Нафисахон, саводлилар сони полу юздан бир процент бўлган замонлар ўтиб кетган. Дунёда «интеллектуаллар ҳокимияти» ҳақида гап бўлиб турса-ю, бизда бош инженер дипломсиз! Комедия, масхарабозлик?! На ишчи эмас, на инженер... бу қанақаси?! Уят эмасми? Куйганидан гапирди Қобилжон ҳам.

Нафиса. Тўғри, Зокир ака — оддий ишчи. Ўзингина эмас, ота-бобоси ҳам ишчи ўтган. Уруш пайтида мана шу заводни кўчириб келтириб монтаж қилганлардан. Дадам энг оғир йилларда унга, битта ўзига алоҳида лаборатория очиб берган. У бўлмаса, ҳозир сизлар ишлаётган махсус конструкторлик бюроси бўлмас эди. Биласизми, Зокир ака дипломи бўлмаса ҳам, технологиядан кўпгина инженерларга дарс бера олади, равшан рационализатор, 43 та авторлик ёрлиғи бор. Сизларнинг нималарингиз бор? Зо-